

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ИНОЯТОВ ДИЛШОД АНВАРОВИЧ

**ЧЕГАРАЛАНГАН СКЛЕРОДЕРМИЯНИ ДАВОЛАШДА
ОРГАНИЗМНИНГ МОЛЕКУЛЯР-БИОКИМЁВИЙ
КЎРСАТКИЧЛАРИГА АСОСЛАНГАН ҲОЛДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.11 – Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Иноятов Дилшод Анварович

Чегараланган склеродермияни даволашда организмнинг
молекуляр-биокимёвий кўрсаткичларига асосланган ҳолда
такомиллаштириш..... 3

Иноятов Дилшод Анварович

Совершенствование терапии ограниченной склеродермии
с учетом молекулярно-биохимических показателей организма..... 23

Inoyatov Dilshod Anvarovich

Improvement of therapy of limited scleroderma taking into account
molecular-biochemical indicators of the body..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ИНОЯТОВ ДИЛШОД АНВАРОВИЧ

**ЧЕГАРАЛАНГАН СКЛЕРОДЕРМИЯНИ ДАВОЛАШДА
ОРГАНИЗМНИНГ МОЛЕКУЛЯР-БИОКИМЁВИЙ
КЎРСАТКИЧЛАРИГА АСОСЛАНГАН ҲОЛДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.11 – Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/В478 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ва «ZiyoNet» ахборот - таълим порталига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Арифов Саидкосим Саидазимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Маннанов Абдушукур Маликович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хайбулина Зарина Руслановна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.20.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «7» май соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг кичик зали (Тел/Факс: +99871 - 2623314; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот – ресурс марказида танишиш мумкин (527- сон билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел/Факс: +99871 2623314).

Диссертация автореферати 2021 йил «5» апрель куни тарқатилди.
2021 йил «5» апрель даги 103 рақамли тарқатиш баённомаси реестри



А.В. Алимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.Н. Хантов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И. Ахмедова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусини долзарблиги ва зарурати. Дунёда бириктирувчи тўқима касалликларини кун сайин ортиши кузатилиб, булар орасида чегараланган склеродермия (ЧС) алоҳида ўрин эгалламоқда. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...дерматологик патологиялар структурасида ЧСнинг турли клиник шакллари учраши 0,3 дан 1% гачани ташкил қилади, унинг болалар дерматозлари структурасида учраши 100000 болалар аҳолисига 0,2 дан 0,4 ҳолат атрофида кузатилади...»¹. Хорижий олимларнинг маълумотларига кўра «АҚШнинг Оклохома штатидаги маҳаллий туб хиндулар орасида бошқа аҳолига нисбатан склеродермия билан касалланиш даражаси 8 мартага юқорлиги аниқланган...»². Ҳозирги пайтда касалланишни кўпайишига мойиллик болалар, ўсмирлар ва меҳнат қилишга яроқли ёшдаги шахслар орасида кўпроқ кузатилмоқда. Касалликнинг оғир, қайталанувчи ва турғун косметик нуқсонларга ва бунинг натижасида беморларни ҳаёт сифатини кескин пасайишига олиб келувчи шакллари кўпайиши аниқланмоқда, шу сабабли ЧС муҳим тиббий ва ижтимоий муаммо ҳисобланади. ЧС ни даволашдаги катта тажрибаларга қарамай даво самараси паст ҳолда сақланмоқда, бу эса даволаш усулларини такомиллаштиришни таққозо этади.

Жаҳонда чегараланган склеродермияни даволашда организмнинг молекуляр-биокимёвий кўрсакчларига асосланган ҳолда такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада беморларни чегараланган склеродермиянинг клиник хусусиятлари ва кечишини, эритема ва индурация индексларини, ўчоқлар майдони асослашдан иборат. Чегараланган склеродермияни ривожланиши, кечиши ва шаклларида COL1A1 генининг C/A rs1107946 полиморфизми ҳамда касалликни ривожланиши ва кечишида антинуклеар антитаначалар anti-dsDNA ва anti-ssDNA аҳамиятини асослашдан иборат. Чегараланган склеродермияни ривожланиши ва кечишида бета-фибробластларни трансформацияловчи (TGF-β) ва томирлар VEGF ўсиш омиллари ҳамда поликомпонентли ферментли лонгидаза дори воситасини ва 308 нмли эксимерли нурни қўллаш асосида чегараланган склеродермияни даволаш тартибини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, болалар ва катталар орасида юзага келадиган турли тери касалликларини олдини олиш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж

¹WHO. World health statistics, 2013; WHO.Hearts: technical package for cardiovascular disease management in primary health care, 2018

²Ferrel C., Gasparini G., Parodi A. et al. Cutaneous Manifestations of Scleroderma and Scleroderma-Like Disorders: a Comprehensive Review. // Clin Rev Allergy Immunol.- 2017.- Vol.53(3).- P.306-336.

хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»³ каби вазифалар белгиланган. Бу борада чегараланган склеродермияни келиб чиқиши хафини аниқлаш, эрта ташхислаш ва самаралий даво усуларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 30 октябрдаги ПФ-5216-сонли «Ўзбекистон Республикасида 2017-2021 йилларда дерматовенерология хизматини яхшилаш бўйича чоралар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдамни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сон фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий олимлар томонидан чегараланган склеродермиянинг ривожланишини молекуляр механизмлари, генетик омиллар, иммун, яллиғланиш, микроциркулятор бузилишлар, эндоцеллюляр матрикс компонентлари метаболизмини ўрни, бириктирувчи тўқиманинг парчаланиш жараёнини фаоллаштирувчи ва фиброзланиш жараёнини пасайтирувчи турли дори воситаларини ишлаб чиқиш, полифункционал ферментли дори воситалари ва УБН-нурларини қўллаш орқали ЧСни даволаш тактикасини такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб борилган, уларнинг биологик фаоллиги аниқланган. Булар тизимли ва чегараланган склеродермиянинг таснифини ишлаб чиқишган, касалликни тарқалиши, болаларда ЧСни ривожланишида этиологик омилларни ўрганишган, чегараланган склеродермияни диагностик мезонларини ишлаб чиқиш, ЧСни даволашни стандартлаштириш, уни даволаш учун УБ нурларни қўллаш, уларни патогенетик таъсир механизмларини ўрганиш билан шуғулланишган (Гусева Н.Г., 2002; Волнухин В.А., Мурадян Н.Л. 2004; 2018; Кубанова А.А., 2014; 2015; Дворников А.С., Хамаганова И.В., Круглова Л.С., 2006; 2017). Болалар ва катталарда ЧСни таснифини баҳолаш, уни клиник кечиши хусусиятлари, патогенези, фиброзланиш механизмлари ва даволаш

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони.

тактикаси, ЧСда лонгидаза ва фотохимиотерапияни қўллаш бўйича текширувлар ўтказилган. ЧСни тизимли ва маҳаллий даволаш учун дори воситалари кўп бўлишига қарамай, уларни қўллаш самараси кўпчилик ҳолатларда кониқарсиз бўлиб қолмоқда, шунинг учун янги универсал, комплекс таъсир этувчи препаратларни излаш ва фотохимиотерапия усулини қўллаш орқали склеродермияни даволаш усуллари такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар давом этмоқда. Сўнгги йилларда дерматологик беморларни даволашда эксимерли нурни қўллашга катта эътибор қаратилмоқда. Турли дерматозларда УБНга нисбатан жами нурланиш дозаси 6 марта кам бўлган 308 нм тўлқин узунлигидаги эксимерли нур билан қисқа чизиқли фототерапияни самараси тўғрисида санокли ишлар мавжуд. Кузьмина Т.С. (2006), Олисова О.Ю. (2005), Верхогляд И.В. (2010), Аманмурадова А.Г. (2014). Муаллифларнинг фикрича, эҳтимол, эксимерли нурни иммунсупрессив таъсири, Т-ҳужайраларни апоптозига, ҳамда ҳужайрали ва гуморал иммунитетни балансини тиклашга таъсир кўрсатиш хусусияти билан боғлиқдир.

Мамлакатимизда чегараланган склеродермияни тарқалиши, этиологик омиллари, патогенетик механизмларини ўрганиш бўйича У.К. Белуха, Л.В. Епишева (1990), С.С. Арифов (2008), А.А. Маннанов, К.Н. Хаитов, А.В. Мун (2016,2020) шуғулланишган, бироқ, чегараланган склеродермияни даволашда организмнинг молекуляр-биокимёвий кўрсаткичларига асосланган ҳолда такомиллаштирилмаган.

Аммо, ЧСда 308 нм ли эксимерли нурни ижобий таъсир механизми охиригача аниқланмаган, бу эксимерли нурнинг таъсирини молекуляр механизми, миқдори, муддати ва қўллаш давомийлигини ўрганиш бўйича комплекс текширувлар ўтказиш зарурлигини кўрсатади. Бундай текширувлар индивидуал даволашни ишлаб чиқиш, даволаш самарасини ошириш ва беморларни ҳаёт сифатини яхшилаш учун зарурдир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Тери кассаликларини ташхислаш, даволаш ва профилактиканинг замонавий усуллари ишлаб чиқариш» (2017-2020) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: клиник-биокимёвий ва генетик корсаткичларни ҳисобга олган ҳолда чегараланган склеродермиянинг клиник кечиши ва ривожланишини прогностлашнинг ва даволашни таккомилаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

беморларни чегараланган склеродермиянинг клиник хусусиятлари ва кечишини, эритема ва индурация индексларини, ўчоқлар майдони ва сонини баҳолаш;

чегараланган склеродермияни ривожланиши, кечиши ва шаклларида COL1A1 генининг C/A (rs1107946) полиморфизминини ўрнини асослаш;

чегараланган склеродермияни ривожланиши ва кечишида антинуклеар антитаначалар (anti-dsDNA ва anti-ssDNA) аҳамиятини баҳолаш;

чегараланган склеродермияни ривожланиши ва кечишида бета-фибробластларни трансформацияловчи (TGF- β) ва томирлар (VEGF) ўсиш омилларининг аҳамиятини баҳолаш;

поликомпонентли ферментли лонгидаза препарати ва 308 нм ли эксимерли нурни қўллаш асосида чегараланган склеродермияни даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш;

чегараланган склеродермияни даволашда анъанавий ва таклиф этилаётган усулларини самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказида 2013 йилдан 2018 йилгача 102 нафар чегараланган склеродермия бўлган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида биокимёвий, иммунофермент ва молекуляр-генетик текширувлар учун периферик қон ҳамда теридан олинган биоптатлар намуналарини материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, биокимёвий, иммунофермент, молекуляр-генетик, морфологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

чегараланган склеродермиянинг тарқалиши даражаси болалар ва ўсмирлар ҳамда меҳнатга лаёқатли аҳолига хос бўлиб, асосан аёлларда кузатилиши, кўпчилик беморларда кўп ўчоқли майдони катта, эритема ва индурация индекслари юқори, склероз ва атрофия босқичида бўлган пиллакчали шакли ҳамда беморларда гепато-билиар ва эндокрин тизими патологиясини кўп учраши асосланган;

чегараланган склеродермияни ривожланишида COL1A1 (rs1107946) гени полиморфизмининг “нобоп” С/А ва мутант А/А генотипик вариантлари ассоциацияси коллаген гени экспрессияси ва парчаланишини сусайиши хисобига касаллик келиб чиқишига мойиллигини, жадал ривожланиши, оғир кечиши ва салбий асоратларга олиб келиши исботланган;

АСЛО, икки ва, айниқса битта спиралли ДНКга нисбатан аутоантитаначалар миқдорини ошиши аниқланди, уларни даражаси касалликнинг шакли, ҳамда патологик жараённинг босқичига боғлиқ бўлиб аутоиммун жараёнлар ривожланиши исботланган;

фиброзли ўчоқларни ривожланишида эндотелий дисфункциясининг ўрни аҳамиятли бўлиб, VEGFни миқдорини пасайиши ва TGF- β ни эса ортиши, улар орасида кучли тесқари коррелятив боғланиши билан исботланган;

патологик ўчоқларни босқичларига боғлиқ ҳолда поликомпонентли ферментли лонгидаза ва 308 нм ли эксимерли нур билан чегараланган склеродермияни даволаш самарадорлиги исботланган;

чегараланган склеродермиянинг ўчоқларида эритема ва индурация индексларини сезиларли даражада пасайиши, қон зардобида TGF- β миқдорини пасайиши, VEGF миқдорини эса ортиши, қўлланилган даволаш

усулининг кучли яллиғланишга қарши ва антифиброз таъсири юқорилиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

чегараланган склеродермияни ривожланишида COL1A1 генининг гомозигот А/А генотиби протектив ўрни асоланган;

чегараланган склеродермияда АСЛО, anti-dsDNA ва айниқса anti-ssDNA миқдорини ошиши касалликнинг шакли ва патологик жараённинг босқичига боғлиқлиги асосланган;

гетерозиготли С/А генотиби мавжуд бўлганда ушбу патология ривожланишининг нисбий хавфни 2,3 мартаба ортганлиги исботланган;

чегараланган склеродермияни жадаллашиб боришини башоратлаш ва даволаш самарадорлигини назорат қилишда anti-ssDNA, TGF-β ва VEGF миқдорини баҳолашни аҳамияти очиб берилган;

чегараланган склеродермияни даволашнинг беморга йўналтирилган алгоритми ишлаб чиқилган;

лонгидаза ва эксимерли фототерапиясини қўллаш патологик ўчоқларнинг босқичига бевосита боғлиқлиги исботланган;

таклиф этилаётган алгоритмнинг самарадорлиги 13% беморда клиник тузалиш, 69,6% даволанганларда яққол яхшиланиш ва 17,4% да эса яхшиланишга олиб келиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти чегараланган склеродермия ривожланишида мавжуд бўлган назарий билимларни кенгайтиши, даволашнинг дифференциал ёндошувига назарий асос яратилганлиги, ЧС патогенезида COL1A1 rs1107946 генининг гетерозиготли С/А ва гомозиготли А/А генотиби, TGF-β экспрессияси ва VEGF оксиди миқдори фаркланиши ва улар орасидаги узаро боғлиқлик ушбу патология патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти чегараланган склеродермияни ташхислаш, даволаш ва асоратларни олдини олишга қаратилганлиги, чегараланган склеродермияни даволашда янги поликомпонентли лонгидазани тизимли ва маҳаллий қўллаш, эксимер фототерапиясидан фойдаланган ҳолда комплекс усул ишлаб чиқиш орқали усулнинг хавфсиз, юқори самарали ва уларни дерматокосметологияда кенг миқёсда қўллаш учун тавсия қилиш, даволаш усулларини клиник амалиётга тадбиқ қилиш чегараланган склеродермияни даволаш самарасини ошириш, касаллик қайталанишини

камайтириш ва беморларни ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилаш имконини бериш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чегараланган склеродермияни даволаш профилактика чораларини таккомиллаштириш бойича олинган натижалар асосида:

«Чегараланган склеродермияни даволаш тактикасини такомиллаштириш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 25 ноябрдаги 8н-д/197-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома чегараланган склеродермияни даволашда организмнинг молекуляр-биокимёвий кўрсаткичлари асосида касалликни эрта ташхислаш, даволаш самарадорлигини ошириш, беморларнинг шифохонада бўлиш вақтини қисқартириш билан биргаликда касалликнинг асоратларини камайтириш имконини берган.

чегараланган склеродермияни даволашда организмнинг молекуляр-биокимёвий кўрсаткичларига асосланган ҳолда такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Навоий ва Самарқанд вилоятлари тери таносил касалликлари диспансерларининг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 06 январдаги 8н-з/3-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши касалликни даолаш давомида лонгидазани схема бўйича тизимли ва локал қўллаш 8,8% беморларда клиник соғайиш, 47,1%да – анча яхшиланиш, 41,2%да – яхшиланишга, 82% беморларда йил давомида турғун клиник ремиссияга эришиши билан биргаликда чегараланган склеродермияни ишлаб чиқилган комплекс даволаш усули ремиссияни узайиши, касалликни қайталанишини камайиши ҳамда беморларнинг ҳаёт сифат кўрсаткичи яхшиланиши ҳисобига даволашнинг иқтисодий самарадорлиги ортиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда муҳокама қилинган, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 131 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Чегараланган склеродермиянинг ташхислаш ва даволашнинг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида чегараланган склеродермиянинг хорижий ва маҳаллий адабиётлар манбаларининг мушоҳадаси келтирилган бўлиб, унда касалликнинг таснифи, этиологияси ва ривожланиш патогенези, ушбу патологияни асосий даволаш мезонларига бўлган замонавий қарашлар батафсил ёритилиб, шунингдек, мазкур муаммонинг илмий жиҳатдан ҳал этилишининг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Чегараланган склеродермияни даволашда организмнинг молекуляр-биокимёвий кўрсакичлари клиник баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида ишнинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ материал ва текширув усуллари келтирилган. Тадқиқотлар 2013 йилдан 2018 йилгача РИДВваКИАТМ ДМнинг 2-дерматология бўлимига амбулатор ва стационар даво олиш учун мурожаат қилган беморлар орасида ўтказилди. ЧС билан ҳасталанган 4 ёшдан 68 ёшгача бўлган 102 нафар (асосий гуруҳ) беморлар ва 58 нафар (назорат гуруҳи) амалий жиҳатдан соғлом шахслар текширувдан ўтказилди. ЧС бўлган 102 нафар бемордан 79 нафарини аёллар ва 23 нафарини эркеклар ташкил қилди. Беморларни ёши бўйича бўлиниши, ЧС асосан болаларга (32,35%) ва ёш ва балоғат ёшидагилар (51,97% текширилган беморларда) учун характерлилигини кўрсатди.

ЧС бўлган беморларни РИДВваКИАТМга 2013 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда мурожаат қилишини тахлили касалликни прогрессив ўсиб бораётганини кўрсатди. Мисол учун, агар 2013 ва 2014 йилларда мурожаат қилувчилар сони 3-4 беморни ташкил қилган бўлса, 2017 йилда эса бу йилига 31 нафар беморга ошди, бу, бизнинг фикримизча, аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатишни ўсиши, ҳамда беморларни маслаҳат учун қайта мурожаат қилиши билан боғлиқдир. Энг кам мурожаат қилишлар ҚҚАР, республиканинг Бухоро, Жиззах, Навоий вилоятларидан кузатилди. Энг кўп мурожаат қилишлар Қашқадарё вилояти (15,5%) ва Тошкент шаҳридан (27,2%) эканлигини аниқладик. Тошкент шаҳридан анча юқори мурожаат қилишлар, афтидан, марказни пойтахтда жойлашганлиги ва замонавий инновацион даволаш усуллариининг мавжудлиги ва беморларни такрорий мурожаат билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Касалликларни халқаро таснифини Х қайта кўриб чиқишига мувофиқ ЧСни таснифи, унда ЧСни асосий клиник шакллари «Тери ва тери ости тўқимаси касалликлари» XII синфида кўрсатилган: L 94.0 шифри билан – чегараланган склеродермия, L 94.1 – чизикли склеродермия.

Тадқиқотга беморларни киритиш мезонлари сифатида ҳам касалликни эритема (шиш) ва ёки тери остидаги қаттиқланиш босқичдаги типик кўриниши, ҳамда жараёни тизимли белгилари йўқлиги ҳисобланди.

Беморларни даволаш тизимига ажартишда четлаштириш мезонларида – аввал ёки ҳозирги пайтда тери ва ички органларда хавфли ўсмалар борлигига кўрсатмалар мавжудлиги, келоид пайдо бўлишига мойиллик, кўзғалиш даврида бўлган рухий касалликлар, ультрабинафша нурларига юқори сезувчанлик.

Тадқиқотда ЧСни клиник таснифи қўлланилди, унинг асосига склеродермиянинг пилакчали ва чизикли шакллари ажратиш киритилган. Ўчоқларни ривожланиш босқичлари: эритема, атрофия ва склерозни акад. В.А. Волнухин (2013) томонидан тавсия қилинган мезонларга мувофиқ қўйилди.

ЧС 14 нафар беморларда чизикли, 88 нафарида – пилакчали шаклларида ифодаланди. Ўтказилаётган даволаш чоралари қараб барча текширилган беморлар 3 гуруҳга бўлинди: 1-чи гуруҳ (44 беморлар), ЎзССВ томонидан тасдиқланган дерматовенерология ва тиббий косметология бўйича диагностика ва даволаш стандартлари асосида анъанвий даволанган. Бунда фермент дори воситаси сифатида Лидаза 64 бирлик миқдорда мушак орасига ҳамда электрофорез усулида 10 кун давомида қабул қилинган. Қолган даво муолажалар амбулатор шароитда даволовчи шифокор назоратида амалга оширилган. Даво муолажалари ҳар 2-3 ойда такрорланган.

2-гуруҳ (36 нафар беморлар) ССВ томонидан тасдиқланган дерматовенерология ва тиббий косметология бўйича диагностика ва даволаш стандартлари асосида анъанвий даволанган. Аммо фермент препарат сифатида Лонгидаза 3000 бирлик миқдорида мушак орасига ҳамда электрофорез усулида қўлланилган. Бу препарат ҳар 3 кунда 3000 бирликда (клиникада 3 маротаба, қолган инъекцияси эса амбулатор шароитда даволовчи шифокор назоратида амалга оширилган. Электрофорез ҳар куни 10 кун давомида стационар шароитда ўтказилган. Даво муолажалари ҳар 2-3 ойда такрорланган.

3-гуруҳ (22 нафар бемор) дерматовенерология ва тиббий косметология бўйича диагностика ва даволаш стандартлари асосида анъанвий даволанган. Аммо фермент препарат сифатида Лонгидаза 3000 бирлик миқдорида мушак орасига ҳамда электрофорез усулида қўлланилган. Бу препарат ҳар 3 кунда 3000 бирликда (клиникада 3 маротаба, қолган инъекцияси эса амбулатор даволовчи врач назорати остида амалга оширилган. Электрофорез ҳар куни 10 кун давомида стационар шароитда ўтказилган. Қўшимча бу беморлар 380 Нм тўлқин узунлигида Эксимер нурли фототерапиясни қабул қилган. Бунда ҳар бир ўчоқга кунора 10 кун давомида 5 сеанс ўтказилган. Нурланишни дозаси минимал эритема миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланган. Бундай даво муолажалари ҳар 2-3 ойда такрорланган. 380 Нм эксимер нурлантириш

MEDTEST дастури асосида ҳар бир беморга индивидуал танланган. Минимал эритема дозаси болаларда, катта ёшдаги беморларга нисбатан 1,5-2 баравар кичик бўлди, ва шунинг учун уларга бериладиган умумий нурланиш миқдори катталарникидан фаркланди.

Даволаш самараси клиник соғайган, анча яхшиланган, яхшиланган ва даволашдан самара олмаган беморлар бўйича қайд қилинди. Клиник соғайиш деб 95% ва ундан кўп ҳолатда барча клиник белгиларни йўқолиши ва терининг ЭИ (эритема интенсивлиги) ва ИИ (индурация индекси)ни 2 баллдан пасайиши, зарарланиш майдонини қисқариши ҳисобланди. Соғайишда битаётган ўчоқлар соҳасида терининг пигментацияси ва атрофияси бўлиши мумкин деб ҳисобланди. Анча яхшиланиш деб 50% дан ортиқ клиник симптомларни камайиши ва ЗМ (зарарланиш майдони)ни бир оз камайиши билан ЭИ ва ИИни 1 баллга пасайиши ҳисобланди; яхшиланиш деб ўчоқда белгиларни 50%дан кам қайтиши ва ЭИ ва ИИни умумий ҳисобда 1 баллга камайиши ҳисобланди. Самара бўлмаган деб 25%дан кам бундан ижобий ўзгаришлар бўлганда ёки даволаш курсидан сўнг ўзгаришлар бўлмаганини ҳисобладик.

Қонни гематологик текширувларини ЎЗР ССВ РИДВваКИАТМ ДМнинг клиник диагностика билан патоморфология лабораториясида автоматлаштирилган усул билан реактивларни стандарт тўплами ёрдамида «Mindray BC-5000» (Хитой) гематологик анализаторида ўтказдик.

Биокимёвий текширувлар «Mindray 200 BS» (Хитой) авто-анализаторида ўтказилди.

Қон зардобидида икки спиралли (anti-dsDNA) ва бир спиралли (anti-ssDNA) ДНКга антитаначалар миқдорини ЎЗР ССВ РИДВваКИАТМ ДМнинг экспериментал илмий лабораториясида Bioscience (АҚШ) тўпланини қўллаш орқали иммун фермент таҳлили усули билан аниқланди. Қон зардобидида TGF- β_1 ва VEGF миқдорини тижорат тест тизими (Bender Med. systems) ёрдамида микропланшетли компьютерлаштирилган AT-858 (LTD, Хитой)да қаттиқ фазада иммун фермент таҳлили усули билан аниқланди. Таҳлил ишлаб чиқарувчи фирма баённомасига мувофиқ ўтказилди. Коллаген 1 генотипини текшириш илмий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага мувофиқ ГваҚҚИТИнинг профессор Бобоев Қ.Т. раҳбарлигидаги молекуляр тиббиёт ва хужайрали технологиялар бўлими лабораториясида ўтказилди. I типли коллагенни битта нуклеотидли COL1A1 генини алмашилишини учрашининг частотасини ўрганиш учун материал сифатида ЧС бўлган 61 нафар беморнинг (асосий гуруҳ) периферик қонидаги лейкоцитлардан олинган геномли ДНК намунаси ишлатилди. Генетик маълумотларни солиштириш учун профессор Бобоев Қ.Т. томонидан ГваҚҚИТИнинг 58 та донорлар натижалари лутфан тақдим қилинди.

Алел ва генотипларнинг вариантлари учраши (f) қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқдик: $f=n/2N$ и $f=n/N$. Ўрганилган генетик маркерларни прогностик самарасини (AUC-классификатор) стандарт формула бўйича аниқладик: $AUC=(Se+Sp)/2$. Генотиплар частотасини Харди-Вайнберг мувозанатига мос келишини χ^2 критерийи бўйича баҳоладик. Алел ва

генотиплар фарқи χ^2 критерийини ва Фишернинг аниқ критерийини қўллаш орқали аниқланди, шансларни ва 95% ли ишонч интервалини тегишлилигини баҳолашни, нисбий хавфни (CI ва OR) «OpenEpi 2009, Version 2.3» дастурлар пакети ёрдамида ўтказилди.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Чегараланган склеродермияни клиник кечиши хусусиятлари ва патогенетик механизмлари**» деб номланган учинчи бобида ЧС бўлган беморларни клиник-лаборатор текширувлари натижалари келтирилган. 65,7% беморларда 1 тадан 3 тага ўчоқлар, 24,6% беморларда 4 тадан 6 тагача ўчоқлар ва 9,8% текширилган беморларда кўп миқдорда тери зарарланиши аниқланди. Битта беморнинг ўзида ўчоқлар ривожланишини турли стадиялари аниқланди. Мисол учун, эритема стадияси 18,4% да, склероз – 46,6% да, эритема+склероз – 7,8% да, атрофия – 11,7% да, склероз+атрофия – 12,6% да, эритема+склероз+атрофи – 2,9% ҳолатда кузатилди. Касалликни стадиясига қараб беморлар қичишиш, оғриқ, терини санчиши ва тортишиши сезгилари, бўғимларда ҳаракатни чегараланганлиги, танани зарарланган соҳаларини ҳажмини ўзгариши ва деформация мавжудлиги каби шикоятларни айтишди. Шунини айтиш керакки, ўчоқлар асосан қўл-оёқларда (28,2%), танада (26,2%) ва бошда (32%) жойлашган.

Ўтказилган текширувларимиз кўрсатдики, ЭИ ЧСни шакллариغا боғлиқ бўлмади ва $2,64 \pm 0,05$ баллни ташкил қилди, эритема ва шиш стадиясидаги ўчоқлар ЭИ ни юқори кўрсаткичларини ($2,74 \pm 0,06$ балл) кўрсатди, склероз стадиясида эса ЭИ паст бўлди, аммо ИИ кўтарилди ва $2,79 \pm 0,05$ баллни ташкил қилди.

Шу билан бир вақтда касалликнинг шаклига қараб ўчоқлар сони фарқ қилди, мисол учун пилакчали шакли бўлган беморларда ўчоқлар сони ўртача $3,26 \pm 0,24$ ни ташкил қилиб, касалликни чизиқли шаклига ($1,61 \pm 0,19$) нисбатан 2,02 ($P < 0,01$) марта кўп кузатилди, умумий гуруҳда битта беморда ўртача $3,05 \pm 0,24$ ўчоқни ташкил қилди. Ўзгаришларни бундай йўналишлари зарарланиш ўчоқларини майдонида ҳам аниқланди: пилакчали шакли бўлган беморларда уларнинг майдони ўртача $42,90 \pm 4,28$ см²ни ташкил қилиб, касалликни чизиқли шаклига ($19,27 \pm 2,34$ см²) нисбатан 2 ($P < 0,01$) баробар катта эканлиги аниқланди. Зарарланишни умумий майдони битта беморда ўртача $37,17 \pm 4,06$ см²ни ташкил қилди.

Дифференциал диагностика учун 9 ҳолатда терининг зарарланган ўчоқларидан олинган биоптатларни морфологик текширувлари ўтказилди. Ўтказилган текширувлар патоморфологик кўринишларни касаллик стадиясига боғлиқлигини кўрсатди. Мисол учун, эритема/шиш стадиясида лимфоцитар инфильтрация билан биргаликда дерма ва қон томирларида шиш ва коллагенни гомогенланиши кузатилди. Қаттиқланиш стадиясида терининг эпидермис ва сўрғичсимон қаватни атрофияси, гиалиноз белгилари билан дермада коллаген тутамларини қўшилиб кетиши, ёғ ва тер безларини атрофияси аниқланди. Ушбу стадияда морфологик қон томирларини

калинлашиши ва мукоидли шишиши, қон томирларини кескин торайиши, эндотелиал хужайраларни гипертрофияси, қон томирларининг деворини склерози аниқланди. Атрофия стадиясида асосан тери ва унинг ортиқларини барча қаватларини сезиларли атрофияси аниқланди. Олинган маълумотларга асосан мунозарали ҳолатларда касалликни стадияси аниқланди.

ЧСни ривожланиши ва кучайиши сабаблари орасида беморлар асабли стресс, юқумли касалликлар, жароҳатлар, иқлимни ўзгариши ва ҳашаротлар чақиши каби экзоген омилларни кўрсатишди. Аммо 95,1% беморлар касалликни бошланиши ва кучайишига сабаб бўлган омилларни кўрсата олишмади.

Беморларни текширилганда 77,7% беморларда ёндош касалликлар аниқланди, монопатология кўринишида – 49% да ва микст-патология – 31,4% да. Текширилган беморларда асосан диффузли буқоқ ва гипотиреоз кўринишидаги эндокрин тизими касалликлари (26,72%), гепато-билиар тизими (20,61%): жигар касалликлари, ўт чиқарувчи йўллар дискинезияси, сурункали (тошли ва тошсиз) холециститлар юқори частотада аниқланди. Ёндош тери касалликларидан 3 нафар беморда витилиго, 1 нафарида – кандидозли инфекция аниқланди.

Клиник текширувлар билан бир қаторда тизимли касалликлар учун характерли бўлган айрим иммунологик кўрсаткичларни таҳлил қилдик. Қон зардобида АСЛО миқдорини таҳлили ушбу кўрсаткични меъёрда бу 200 ХБ/мл гача бўлганда ЧСни пилакчали шакли бўлган беморларда $232,3 \pm 10,3$ ХБ/мл гача кўпайишга мойиллигини кўрсатди, айти шу пайтда ЧСни чизиқли шакли бўлган беморларда АСЛО миқдорини меъёрий кўрсаткичлардан 1,45 ($P < 0,05$) марта ортиши ва $290,0 \pm 48,4$ ХБ/мл гача кўпайишини кузатдик, бу айниқса склероз стадиясида зарарланиш ўчоқлари бўлган беморларда $321,00 \pm 15,13$ ХБ/мл ($P < 0,01$) гача кўтарилди.

Кейинги этапда ЧС бўлган беморларнинг қон зардобидида икки спиралли (anti-dsDNA) ва бир спиралли (anti-ssDNA) ДНКга антитаначалар миқдорини аниқладик. Меъёрда уларнинг қон зардобидидаги концентрацияси 30 ХБ/мл дан камдир. Бу йўналишда ўтказилган текширувлар ЧС бўлган беморларда икки спиралли (нативли) ДНКда аутоантитаначалар миқдорини пасайишга мойиллигини кўрсатди (1-жадвалга қаранг). Аммо бу ўзгаришларни йўналиши ва кўриниши патологик ўчоқнинг стадиясига боғлиқ бўлди. Anti-ssDNA антитаначалар миқдорида дахлдорлигига қарасак, уларни миқдори барча ҳолатларда ўсди, айниқса чизиқли шакли бўлган беморларда (33,72% га, $P < 0,05$), склероз стадиясида зарарланиш ўчоқлари бўлган беморларда (43,6% га кўпайган, $P < 0,05$) ва атрофия стадияси бўлган беморларда (21,2% га ошган, $P < 0,05$) намоён бўлди.

Шуни айтиш лозимки, атрофия стадиясида anti-dsDNA миқдорини ошишини аниқланиши, афтидан, икки спиралли нативли ДНКни лизиси ҳисобига зарарланган ўчоқларда репликатив жараёнларни анча пасайиши ҳақида далолат беради. Бу уни денатурацияланган, бир спиралли шаклини кўпайишига олиб келди, бу ушбу гуруҳ беморларида anti-ssDNA антитаначалари миқдорини кўпайиши билан намоён бўлди.

1-жадвал

Текширилувчи гуруҳ беморларининг қон зардобиди икки спиралли (anti-dsDNA) ДНК ва бир спиралли (anti-ssDNA) ДНКга антитаначалар миқдори (M±m)

Кўрсаткичлар	anti-dsDNA, пг/мл	anti-ssDNA, пг/мл	Δ% anti- dsDNA	Δ% anti- SS- B(La)
Меъёр	25 гача	25 гача		
ЧС, n=50	22,79±1,36	29,03±1,79	-9,84	+16,12
Пилакчали, n=46	22,94±1,41	28,70±1,82	-8,24	+14,80
Чизиқли, n=4	21,25±0,83	33,43±1,21*	-15,00	+33,72
Эритема босқичи, n=22	16,51±0,93*	21,90±2,18	-33,96	-12,40
Склероз босқичи, n=18	23,34±1,30	35,90±3,10*	-6,64	+43,60
Атрофия босқичи, n=10	37,26±2,41*	30,30±2,32*	+49,04	+21,20

Изоҳ: * - назорат ва тажриба гуруҳлари кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ ишончли.

Бу айниқса чизиқли шакли ва склероз стадияси бўлган беморларда аниқ кузатилди, буни эритема стадиясини склерозга ўтишини прогностик тести сифатида таклиф қилиш мумкинлигига имкон беради. Фикримизча, ЧС бўлган беморларда anti-ssDNAни кучайиб кўтарилиши динамикада салбий прогностик аломатдир.

Ўтказилган текширувлар кўрсатдики, ЧС бўлган 40 нафар беморларда TGF-β ни миқдори назоратдаги кўрсаткичлардан 1,38 марта (P<0,05) кўп бўлди (2-жадвалга қаранг). Бунда касалликнинг шакли ва патологик жараённинг стадиясига қараб унинг миқдорини ўзгаришини айрим фарқланувчи хусусиятларини аниқладик. Шу билан бир вақтда склероз стадиясида патологик ўчоқлар кўп бўлган беморларда ушбу омилнинг кўрсаткичлари 1,8 марта ортди, атрофия стадиясида эса камайишга мойил бўлди.

Ўтказилган текширувлар ЧС бўлган беморларнинг қон зардобиди VEGF миқдорини ишончли пасайишини кўрсатди: беморларнинг умумий популяциясида ушбу кўрсаткични амалий соғлом шахслар кўрсаткичларига нисбатан 1,44 марта пасайишини кузатдик. Аммо буларни кўриниши касалликнинг шакли ва патологик жараённинг стадиясига боғлиқ бўлди.

Аниқланган ўзгаришларга қайси механизмлар аҳамиятли эканлиги сабабини билиш учун TGF-β кўрсаткичини ангиогенез параметрлари билан боғлиқлини корреляцион таҳлилини ўтказдик. TGF-β кўрсаткичини VEGF параметри билан ўртача тесқари боғлиқлиги (r=-0,49) мавжудлиги аниланди.

Текширилувчи гуруҳ беморларининг қон зардобада қон томирларни ўсиш омили ва β трансформацияловчи ўсиш омилининг миқдори ($M \pm m$)

Кўрсаткичлар	VEGF, пг/мл	TGF- β , пг/мл	$\Delta\%$ VEGF	$\Delta\%$ TGF- β
Назорат гуруҳи, n=12	3,36 \pm 0,14	79,73 \pm 3,38		
ЧС, n=40	2,33 \pm 0,08*	110,10 \pm 5,40*	-30,7	+38,1
Пилакчали, n=32	2,41 \pm 0,09*	106,38 \pm 5,97*	-28,3	+33,4
Чизиқли, n=8	2,06 \pm 0,07*	122,83 \pm 8,89*	-38,7	+54,1
Эритема босқичи, n=13	2,93 \pm 0,06	99,25 \pm 4,51*	-12,8	+24,5
Склероз босқичи, n=17	2,12 \pm 0,08*	143,82 \pm 4,47*	-36,1	+80,4
Атрофия босқичи, n=10	2,02 \pm 0,05*	65,20 \pm 2,08	-39,9	-18,2

Изоҳ: * - назорат ва тажриба гуруҳлари кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ ишончли, $P < 0,05$.

Интеграл кўрсаткичлар бўйича қараганда, ЧСни ривожланишида TGF- β ва эндотелий ва ангиогенезни дисфункцияси омиллари ўртасида аниқ боғлиқлик мавжуддир.

